

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2024 йил октябрь ойининг 25 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди, суд биносига, очиқ суд мажлисида, ВКА режимида, раислик қилувчи судья А.Турғунов, судья ёрдамчиси У.Йўлдошевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Абдузохиров, судланувчи Ж.Умаров, унинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси, О.Зупаров, жабрланувчи М.Рафиковаларнинг иштирокида, Умаров Жамшид Абдуразакович (Umarov Jamshid Abdurazakovich)га нисбатан 1-1008-2403/597-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Умаров Жамшид Абдуразакович (Umarov Jamshid Abdurazakovich) – 22.07.1986 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорасарой МФЙ, Қорасарой кўчаси, 232А-уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича муносиб ҳуққ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланган, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 07.10.2024 йилдаги ажримига кўра, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган, 06.10.2024 йилдан қамоқда сақланган, айблов хулосаси нусхасини 11.09.2024 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми ва 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи Ж.Умаров, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2024 йил 10 сентябрь куни соат 13:00ларда Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Себзор МФЙ, Себзор кўчасида жойлашган Олмазор тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли поликлиникасида бўла туриб, шу ерда ишлайдиган жабрланувчи Рафикова Малика Хайритдиновнанинг иш столи устида турган нархи 300.000 сўм бўлган “Клач” сумкаси ва сумка ичидаги 50.000 сўм пул, 3 дона банк картаси ва нархи 84.000 сўмдан бўлган 2 дона флешкаларни яширин равишда ўғирлаб, шу билан бирга 1 дона ID карта, 1 дона ҳорижга чиқиш паспорти, Хушвакова Дилрабога тегишли шахсини тасдиқловчи ҳужжатини эгаллаб, ҳодиса жойидан яширинган ва ҳужжатларни қасдан сувга отиб юбориш орқали нобуд қилган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ж.Умаров айбига тўлиқ иқрор бўлиб, дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини



тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни 2024 йил 10 сентябрь куни соат 13:00ларда Олмазор тумани, Себзор МФЙ, Себзор кўчасида жойлашган Олмазор тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли поликлиникасида кейинчалик маълум бўлган жабрланувчи М.Рафикованинг иш столи устида турган “Клач” сумкасини кўриб, уни ўғирлаш фикри туғилганлигини ва ҳеч кимга сездирмасдан, яширинча ўғирлаб кетганлигини, ташқарига чиқиб кетганидан сўнг сумка ичида 50.000 сўм пул, 3 дона банк картаси ва 2 дона флешкаларни кўрганлигини, бундан ташқари сумкада бўлган 1 дона ID карта, 1 дона ҳорижга чиқиш паспорти, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни сувга отиб юборганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарарни қоплаганлигини баён қилиб, судда енгиллик беришни сўраб кўрсатувлар берди.

Судланувчи Ж.Умаров айбига тўлиқ иқрорлик билдирган бўлса-да, унинг юқоридаги жиноятни содир қилгандаги айби судда текширилган қуйидаги далиллар билан ўз исботини тўлиқ топади.

Суд мажлисида жабрланувчи М.Рафикова дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни Олмазор тумани, Себзор МФЙ, Себзор кўчасида жойлашган Олмазор тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли поликлиникасида ишлашини, 2024 йил 10 сентябрь куни соат 13:00ларда иш столи устида ўзига тегишли нархи 300.000 сўм бўлган “Клач” сумкаси ва сумка ичидаги 50.000 сўм пул, 3 дона банк картаси ва нархи 84.000 сўмдан бўлган 2 дона флешкалар ва 1 дона ID карта, 1 дона ҳорижга чиқиш паспорти, Хушвакова Дилрабога тегишли шахсини тасдиқловчи ҳужжати билан қолдириб чиққанини, бироздан сўнг қайтиб келганида, ушбу нарсаларини йўқлигини билганлигини, уларни қидирганлигини, лекин топа олмаганлиги сабабли, ИИО ФМБга хабар берганлигини, суриштирув ишлари натижасида унинг мулкларини кейинчалик маълум бўлган Ж.Умаров ўғирлаб кетганлиги аниқланганлигини, ҳозирда унга етказилган жами 518.000 сўм моддий зарар қопланмаганлигини баён қилиб, судланувчидан зарарни ундиришни қонуний чора кўришни сўраб кўрсатувлар берди.

Бундан ташқари, судланувчи Ж.Умаровнинг айби, дастлабки тергов даврида тўпланган ва судда текширилган қуйидаги далиллар, яъни жабрланувчининг қонуний чора кўриш ҳақидаги аризаси, тушунтириш хатлари, воқеа жойининг чизмаси, кўздан кечириш баённомаси, фото жадваллар, шунингдек, иш материалларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини тўлиқ топган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида “Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олинishi лозим. Далилларни тўплаш ва



мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд-тиббий экспертизаси ёки бошқа экспертиза ўтказилган ҳолда мажбурий текширилиши лозим” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарори 1-бандида “жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигида ёки улар бор бўлса-да, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкани яширин талон-торож қилиш ўғирлик ҳисобланади. бордию жабрланувчи ёки бошқалар мол-мулканинг олинаётганлигини кўрган бўлса-да, лекин айбдор билдирмасдан ҳаракат қилган деб ўйлаган бўлса, бундай қилмишни ҳам ўғирлик деб тавсифлаш лозим” деб тушунтириш берилган.

Суд, дастлабки тергов органлари томонидан судланувчи Ж.Умаровнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми, яъни “ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилишда” ва ЖК 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди, яъни “паспорт ёки бошқа муҳим шахсий ҳужжатларни эгаллаш, худди шунингдек уларни нобуд қилишда” ифодаланган жиноят белгилари билан тўғри квалификация қилинган деб топади.

Шунингдек, суд судланувчи Ж.Умаровга жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, оилали бўлиб, қарамоғида 3 нафар фарзанди ва турмуш ўртоғи борлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, иш бўйича зарар қопланганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини ва енгиллик бериш ҳақидаги илтимосини, муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолайди. Илгари қасддан жиноят содир этган шахс бўла туриб, қасддан янги жиноят содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолайди.

Шу билан биргаликда, судланувчи Ж.Умаровга жазо турини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, оилали бўлиб, қарамоғида 3 нафар фарзанди ва турмуш ўртоғи борлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, иш бўйича зарар қопланганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини ва енгиллик бериш ҳақидаги илтимосини, муқаддам судланмаганлигини инobatга олиб, унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари



жазоси ва ЖК 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, суд судланувчи Ж.Умаровдан жабрланувчи М.Рафикованинг фойдасига етказилган 518.000 сўм зарарни ундиришни лозим топади.

Бундан ташқари, ашёвий далил тариқасида олинган “DVD” дискни жиноят иши ҳужжатларида сақлаш учун қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 29-моддасининг 5-қисмида жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига мувофиқ, суд

ҳ у к м қ и л а д и:

Умаров Жамшид Абдуразакович (Umarov Jamshid Abdurazakovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми ва 227-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Умаров Жамшид Абдуразакович (Umarov Jamshid Abdurazakovich)га Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг 10 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 227-моддасининг 2-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман кўшиш йўли билан узил-кесил ўташи учун иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил-у 1 (бир) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижроси Ж.Умаровнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилсин, жазо мазкур жазони ижро этиш инспекцияси белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин, жазони ўташ муддати Ж.Умаров жазони ўташ учун юборилган корхонада иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ж.Умаровга нисбатан мазкур иш бўйича қўлланган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 07.10.2024 йилдаги ажримига кўра, Ж.Умаровга қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланганлиги инобатга олинсин.

Судланувчи Умаров Жамшид Абдуразаковичдан жабрланувчи Рафиқова Малика Хайритдиновнанинг фойдасига етказилган зарар 518.000 сўм



ундирилсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган “DVD” диск жиноят иши хужжатларида сақлаш учун қолдирилсин.

Апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида, ҳукм апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида шикоят ва протестлар шу суд орқали Тошкент шаҳар судига берилиши мумкин.

Раислик қилувчи судья:
Аслига тўғри:

(имзо)

А.Турғунов

